



ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ОБЪЕКТИ, ПРЕДМЕТИ СУБЪЕКТЛАРИ МЕЪЗОНЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ.

Асқаров Мирзохид Миржалол ўғли

ИИВ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д. (PhD),
подполковник

Искандаров Дониёр Тахирович

ИИВ Академияси Ички ишлар органлари фаолиятини услубий
таъминлаш маркази етакчи илмий ходими, майор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21639187>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 24-iyul 2026 yil
Ma'qullandi: 26-iyul 2026 yil
Nashr qilindi: 28-iyul 2026 yil

KEY WORDS

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
фаолияти
самарадорлигини баҳолаш,
баҳолаш объекти, баҳолаш
предмети, баҳоловчи
субъектлар, баҳолаш
мезонлари, ишонч индекси,
процессуал адолат, миқдорий ва
сифат кўрсаткичлари, уч
қатламли баҳолаш модели,
рейтинг баҳолаш.

ABSTRACT

Мақолада ҳуқуқбузарликларни олдини олиш
фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг объекти,
предмети, баҳоловчи субъектлари ва меъзонлар
таҳлил қилинган. Баҳолаш объектини белгилашга
оид илмий ёндашувлар, хорижий концепциялар
(муаммога йўналтирилган полиция фаолияти,
далилга асосланган полиция фаолияти, “етти
ўлчовли модель”, процессуал адолат назарияси)
ҳамда EUCPN ва UNODC методологиялари қиёсий
ўрганилган.

Баҳолаш объектининг умумий ва махсус турларга,
баҳоловчи субъектларнинг ички, ташқи ва
жамоатчилик субъектларига ажратилиши
асослантирилган. “Ишонч индекси” ҳамда
“ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти
самарадорлигини баҳолаш” тушунчаларига
муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган ва
“миқдорий натижа – сифат таъсири – ҳудудий
шароит” тамойилига асосланган уч қатламли
баҳолаш модели таклиф этилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш давлат
бошқаруви ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида муҳим аҳамиятга эга.
Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунида [1] ҳуқуқбузарликларни олдини
олиш соҳасидаги ишларни баҳолаш ва самарадорлигини ошириш вазифаси
“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича
идоралараро комиссия”га юклатилган бўлса-да, баҳолашнинг объекти, предмети,
субъектлари ва мезонлари қонунчилик даражасида белгиланмаган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 20
июлдаги 410-сон буйруғи [2] билан профилактика инспекторлари фаолиятини назорат

қилиш ва элеатрон меъзонлар асосида баҳолаб бориш белгиланган. Мазкур ислохот профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг назарий асосларини қайта кўриб чиқиш заруратини янада кучайтирди

Зеро, ҳар қандай баҳолаш тизимининг илмий асослилиги, пировардида, учта бири бири билан узвий боғлиқ саволга бериладиган жавоб билан белгиланади. Нимани баҳолаш лозим (баҳолаш объекти ва предмети). Ким баҳолайди (баҳоловчи субъектлар) ва қайси мезонлар асосида баҳоланади (баҳолаш мезонлари)? Мазкур мақола доирасида ушбу саволларга доир миллий ва хорижий илмий-амалий ёндашувлар атрофлича таҳлил қилинди.

Бугунги кунда амалиётда баҳолаш жараёни кўп ҳолларда миқдорий ва статистик кўрсаткичлар билан чекланиб қолмоқда. Ҳолбуки, жиноятлар сонининг камайиши, профилактика инспекторлари томонидан маъмурий баённомаларнинг кўп расмийлаштирилиши ёхуд маъмурий назоратга олинаётган муқаддам судланган шахсларнинг сони ҳар доим ҳам профилактика чора-тадбирларининг самарадорлигини белгиламайди.

“Самарадорлик” тушунчаси билан узвий боғлиқ категориялардан бири “баҳолаш” ҳисобланади. Агар самарадорлик муайян фаолият ёки ҳуқуқий механизмнинг белгиланган мақсадга нисбатан қандай натижа берганини ифодаласа, баҳолаш ушбу натижанинг мазмуни, даражаси ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини аниқлашга қаратилган илмий-таҳлилий жараёндир.

Мазкур боғлиқлик профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти соҳасида янада яққол намоён бўлади. Чунки профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун фақат амалга оширилган тадбирлар сони ёки расмий статистик кўрсаткичлар эмас, балки ҳуқуқбузарликлар динамикаси, уларни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шароитларнинг бартараф этилганлик даражаси, аҳолининг хавфсизлик ҳисси, мурожаатлар мазмуни, ижтимоий фикр ва профилактик таъсирнинг реал натижалари ҳам баҳоланиши лозим.

Назарий жиҳатдан баҳолаш икки томонлама хусусиятга эга. **Бир томондан**, у ҳақиқий ҳолатни объектив мезонлар асосида акс эттириши, **иккинчи томондан** эса баҳоловчи субъектнинг ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий қадриятлар тизими билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу икки томонламалик XX асрда М. Шелер ва Н. Гартман томонидан ривожлантирилган қадриятлар фалсафаси – аксиология [4] доирасида назарий асосланган бўлиб, у баҳолаш мезонларини белгилашда объективлик ва холисликни таъминлаш заруратини кўрсатади. Шу маънода, ҳуқуқшунослик ва криминологияда баҳолаш фақат рақамларни солиштириш эмас, балки ҳуқуқий фаолиятнинг ижтимоий қадри, қонунийлиги ва адолатлилигини аниқлаш жараёни ҳамдир.

“Баҳолаш” атамаси ўзбек тилининг изоҳли луғатида [5] “баҳо бериш”, “қадрини белгилаш”, “нарсa, ҳодиса ёки ҳаракатга баҳо бермоқ, унинг аҳамияти, кадр-қиммати ҳақида фикр билдирмоқ” маъноларини ифодалаши кўрсатилган. Илмий нуқтаи назардан баҳолаш муайян объектнинг ҳолатини олдиндан белгиланган мезонлар асосида миқдорий ва сифат жиҳатидан аниқлаш, унинг кучли ва заиф томонларини

кўрсатиш ҳамда келгусидаги ривожланиш йўналишларини белгилашга қаратилган жараёндир. Унинг асосий таркибий элементлари баҳолаш объекти, баҳолаш предмети, баҳоловчи субъект, баҳолаш мезонлари ва баҳолаш натижасидан иборат.

Мазкур таркибий элементларни таҳлил қилишдан аввал улар ўртасидаги чегарани аниқлаштириб олиш методологик жиҳатдан муҳим. Бизнингча, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш субъектлари фаолияти самарадорлигини **баҳолаш объекти** – ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг ўзи, яъни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хизмат мажбуриятлари доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи. **Баҳолаш предмети** эса – ушбу фаолиятнинг самарадорлиги, яъни унинг натижаси, сифати ва ресурслардан фойдаланиш даражаси.

Шу тарзда объект ўз навбатида “нима баҳоланади?” деган саволга, предмет эса “объектнинг қайси хусусияти баҳоланади?” деган саволга жавоб беради. Ушбу чегараланиш қуйида таҳлил қилинадиган илмий ёндашувларни ягона тизимга жойлаштириш имконини беради.

Илмий адабиётларда баҳолаш объектини белгилаш юзасидан бир нечта ёндашув мавжуд. **Биринчи ёндашув**га кўра, баҳолаш объекти сифатида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг ўзи, яъни қўлланилган шакл, усул ва чора-тадбирлар олинади. А.И. Алексеев, С.И. Герасимов ва А.Я. Сухаревлар ўз тадқиқотларида [6] илгари сурилган ушбу ёндашув ходим томонидан амалга оширилган ишларни ҳисобга олиш имконини беради.

Бироқ унинг асосий камчилиги шундаки, бунда натижадан кўра кўпроқ бажарилган ишлар сонига эътибор қаратилади. Масалан, расмийлаштирилган маъмурий баённомалар, ўтказилган профилактик суҳбатлар ёки ўрганилган хонадонлар сони айрим ҳолларда ҳақиқий ижтимоий самарани тўлиқ ифодамайди.

Иккинчи ёндашувга кўра, баҳолаш объекти сифатида эътибор марказига жиноятчилик даражаси, тузилиши ва динамикаси олинади. В.Н. Кудрявцев [7] ва бошқа олимлар томонидан илгари сурилган мазкур ёндашув амалиётда қулай бўлиб, профилактик чора-тадбирлар натижасини статистик маълумотлар орқали таҳлил қилиш имконини беради.

Аммо у ҳам чекланган хусусиятга эга бўлиб, унда латент жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳамда жиноятчилик ҳолатига таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодик, демографик ва миграцион ва бошқа омиллар қамраб олинмайди.

Учинчи ёндашув Ғарб криминологик мактаби вакили Х. Голдштейн [8] томонидан ишлаб чиқилган, “муаммога йўналтирилган полиция фаолияти” концепцияси билан боғлиқ. Унга кўра, баҳолаш объекти муайян муаммо масалан, оилавий зўравонлик, вояга етмаганлар ёшлар ва ҳуқуқбузарлиги, гиёҳвандлик, мулкий турдаги жиноятлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг муайян гуруҳи олинади. Бу ёндашув ҳуқуқбузарлик оқибатлари билан эмас, балки унинг илдиз сабаблари билан ишлашга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, Л. Шерман [9] томонидан илгари сурилган далилга асосланган полиция фаолияти ғоясига кўра, профилактик фаолиятини баҳолаш шахс қадриятии софлигига ёки анъанавий қарашларга эмас, балки таҳлил қилинган маълумотлар ва илмий далилларга асосланиши лозим.

Мазкур ёндашувларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири баҳолаш объектининг муайян бир томонини очиб беради:

-биринчи ёндашув ходим фаоллигини ҳисобга олса-да, натижани етарлича ифодалай олмайди.

-иккинчи ёндашув статистик натижаларни акс эттирса-да, латент ҳуқуқбузарликлар ҳамда криминоген вазиятга таъсир кўрсатувчи омиллар қамраб олмайди;

-учинчи ёндашув эса муаммонинг илдизига қаратилган бўлса-да, профилактика инспекторининг кундалик ва тизимли фаолиятини баҳолаш учун етарли эмас.

Демак, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш **муаммони бартараф этиш, натижа ва илмий асосланганликни** ўзида жамлаган интегратив ёндашувга таяниши лозим.

Шунга кўра, бизнингча, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш объектини икки турга **умумий** ва **махсус** турларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Умумий объект сифатида профилактика инспекторининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, зиммасига юклатилган хизмат мажбуриятлари ҳамда идоралараро ҳамкорлик доирасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида амалга оширадиган фаолияти яхлит ҳолда эътироф этилади.

Махсус объект – ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда муайян турдаги ҳуқуқбузарликлар, криминоген омиллар ёки тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар мажмуини ифодалайди. Бундай ёндашув статистик таҳлил усуллари билан Ҳ. Голдштейннинг муаммога йўналтирилган ёндашувини уйғунлаштириш, шунингдек, давлат органлари, маҳалла ва жамоатчилик иштирокини бир тизимда баҳолаш имконини беради.

Баҳолаш объекти аниқ белгилангандан кейин унинг предметини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. А.И. Алексеев ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини **баҳолаш предмети** фаолиятнинг натижаси ва амалга ошириш сифати каби элементлар изоҳлайди. Ушбу ёндашувнинг аҳамияти шундаки, у ходим фаоллиги, эришилган натижа ва ижро сифати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатади. Айрим ҳолларда ходимнинг фаоллиги юқори бўлишига қарамасдан амалий натижа паст бўлиши ёки, аксинча, кам ҳаракат билан муайян ижобий натижага эришилиши мумкин.

М. Мур ва А. Брага томонидан ишлаб чиқилган “етти ўлчовли модель” [10] баҳолаш предметини янада кенгроқ талқин қилади. Унга кўра, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини баҳолашда фақат жиноятчиликнинг камайиши эмас, балки жамоат тартибининг таъминланиши, фуқаролар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, ресурслардан оқилона фойдаланиш, ходимларнинг қонуний ва ахлоқий фаолияти, аҳолининг ишончи ва қониқиш даражаси ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ушбу модель профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини баҳолаш учун муҳим назарий асос бўла олади. Бироқ уни миллий амалиётга татбиқ этишда профилактика инспекторининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактик ҳисобдаги шахслар билан ишлаш ва маҳалла даражасидаги ижтимоий профилактика вазифалари билан боғлиқ хусусиятларини алоҳида инобатга олиш талаб этилади.

Шу ўринда статистик кўрсаткичларнинг аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Бироқ, профессор Т. Хоуп таъкидлаганидек [11], расмий статистика ҳар доим ҳам реал ҳолатни тўлиқ акс эттирмайди. Айрим ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар ҳақида умуман хабар берилмаслиги, хабар қилинса-да, расмий қайд этилмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳуқуқбузликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолашда фақат расмий статистика билан чекланмасдан, латент ҳуқуқбузарликлар, аҳолининг хавфсизлик ҳисси, ижтимоий фикр, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси каби сифат кўрсаткичларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Европа Иттифоқининг жиноятчилик профилактикаси тармоғи (EUCPN) тавсияларида [12] баҳолаш жараёнини аниқ мезонлар асосида ташкил этиш, бунда бошланғич ҳолат, белгиланган мақсадлар, оралиқ ва якуний натижалар ҳамда қўшимча ижобий таъсирларни биргаликда таҳлил қилиш лозимлиги таъкидланади. Бу ёндашув турли ҳудудлар ва профилактика субъектлари фаолиятини ўзаро таққослаш, ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-демографик ва криминоген хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос профилактика тажрибаларини шакллантириш имконини беради.

БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) томонидан ишлаб чиқилган Crime Prevention Assessment Tool методологияси [13] самарадорликни уч даражали тизим – фаолият маҳсули кўрсаткичлари (outputs), натижа кўрсаткичлари (outcomes) ҳамда ижтимоий таъсир кўрсаткичлари (impact) асосида баҳолашни тавсия этади. Мазкур ёндашув профилактика фаолиятини фақат бажарилган ишлар сони билан эмас, балки уларнинг реал натижаси ва жамиятга таъсири билан баҳолаш зарурлигини кўрсатади. Ушбу методологиянинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2026 йилги ҳуқуқий аудит ҳисоботида [14] миллий амалиётга татбиқ этилгани мазкур ёндашувнинг амалий аҳамиятини тасдиқлайди.

Профилактика фаолияти самарадорлигини баҳолаш муайян жиҳатлари билан иқтисодий таҳлилларда қўлланиладиган “ресурс – натижа” моделига яқин туради. “Ҳуқуқ ва иқтисодиёт” илмий мактаби вакиллари Г. Беккер [15], Р. Познер [16] ва Г. Калабрези [17] томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини баҳолашда иқтисодий ёндашувлардан фойдаланиш ғояси илгари сурилган.

Кейинчалик В.Н. Кудрявцев ва ҳаммуаллифлар [18] ҳамда А.И. Долгова [19] ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг криминологик ва ҳуқуқий мезонларини ишлаб чиққанлар. Мамлакатимиз олимлари – М.Ҳ. Рустамбоев [20], И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов ва бошқаларнинг [21] илмий манбаларида ҳам ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлиги ва уни баҳолаш билан боғлиқ айрим назарий масалалар ёритилган. Бу манбалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини баҳолашда миллий ҳуқуқий муҳит, амалиёт ва ижтимоий эҳтиёжларни инобатга олиш зарурлигини кўрсатади.

Бироқ иқтисодий самарадорлик мезонларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига тўлиқ ва механик тарзда татбиқ этиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий мақсади иқтисодий фойда олиш эмас, балки шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашдан иборат. Шу сабабли профилактика фаолиятида “харажат – натижа” нисбати инсон ҳуқуқлари, қонунийлик, адолат ва ижтимоий хавфсизлик принципларидан устун қўйилиши мумкин эмас.

Мазкур масалада тизимли ёндашув алоҳида аҳамиятга эга. А.Э. Жалинскийнинг фикрича [22], тизимли ёндашув профилактик жараёнлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаб, амалга оширилган чора-тадбирлар ва кутилган натижалар ўртасидаги муносабатни очиқ бериш имконини беради. А.Х. Миндагулов [23] жинойтчиликка қарши курашиш амалиёти ижтимоий ривожланишнинг объектив шарт-шароитлари билан уйғун бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Г.В. Атаманчук [24] самарадорлик мезонларини бошқарув сифати, унинг жамият эҳтиёжлари ва манфаатларига мувофиқлигини аниқлашга хизмат қилувчи белгилар сифатида баҳолайди. М.В. Костицкий ва бошқа олимлар [25] эса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида таҳлил қилиб, уни баҳолашда шахс ҳуқ-атворидаги ижобий ўзгаришлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ижтимоий муносабатлардаги барқарорликка эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлайди. Ушбу ёндашувлар мажмуи профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини нафақат ҳуқуқий, балки бошқарув, ташкилий ва ижтимоий-психологик таъсир кўрсатиш жараёни сифатида ҳам таҳлил қилиш зарурлигини асослайди.

Баҳолаш жараёнида “ким баҳолайди?” деган, савол ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бир хил объект турли субъектлар томонидан баҳоланганда турлича натижалар бериши мумкин. Ўз фаолиятини баҳолаётган орган бир ҳулосага, ташқи назорат органи бошқа ҳулосага, аҳоли эса учинчи ҳулосага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолашда баҳоловчи субъектларни ички, ташқи ва жамоатчилик субъектларига ажратиш мақсадга мувофиқ.

Ички субъектларга раҳбарият, идоравий назорат хизматлари ва кадрлар бўлинмалари киради. Улар соҳанинг ички хусусиятларини яхши билиши билан аҳамиятли бўлса-да, айрим ҳолларда ички баҳолашда ҳолислик етарли таъминланмаслиги мумкин.

Ташқи субъектлар – прокуратура, адлия органлари, парламент ва бошқа мустақил органлар нисбатан ҳолис баҳолаш имкониятига эга. Хусусан, 2026 йилда Адлия вазирлиги томонидан Яшнобод тумани ИИБнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти бўйича ўтказилган ҳуқуқий аудити ташқи баҳолашнинг методологик асосини шакллантиришда муҳим амалий тажриба сифатида қаралиши мумкин. Бироқ ташқи баҳоловчи субъектларнинг баҳоланаётган соҳанинг кундалик амалиётидан узоқлашиш хавфи ҳам мавжуд.

Жамоатчилик субъектлари эса ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг аҳоли томонидан қандай қабул қилинаётгани, ички ишлар органларига бўлган ишонч даражаси, ходимларнинг муомала маданияти, фаолиятнинг очиқлиги ва адолатлилиги каби жиҳатларни баҳолашда муҳим ўрин тутди.

Бу борада Ж. Саншайн ва Т. Тайлер томонидан илгари сурилган процессуал адолат назарияси [26] алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур назарияга кўра, фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фақат эришилган натижа учун эмас, балки қарор қабул қилиш жараёнида қонунийлик, ҳолислик, шаффофлик ва ҳурмат таъминлангани учун ҳам ишонч билдиради. Шу асосда профилактика инспектори фаолиятини баҳолашда

«ишонч индекси»ни алоҳида сифат кўрсаткичи сифатида жорий этиш мақсадга мувофиқ.

“Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини баҳолашда ишонч индекси” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини бериш мумкин:

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлигини баҳолашда ишонч индекси – бу фуқароларнинг ўзи яшаб турган ҳудуддаги хавфсизлик ҳолатидан қониқиш ҳисси ҳамда шу ҳудудда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторининг одоб-ахлоқи, муомала ва мулоқот маданияти, хизмат вазифаларини самарали ҳамда адолатли бажариш сифатига аҳоли томонидан бериладиган ҳолис ижтимоий баҳонинг миқдорий ифодасидир”.

Бундай индекс аҳолининг хавфсизлик ҳисси, профилактика инспектори билан мулоқотдан қониқиши, мурожаатларга муносабат, ходимнинг одоб-ахлоқи, фаолият очиқлиги ва қарорларнинг адолатли қабул қилиниши каби кўрсаткичлар асосида шакллантирилиши мумкин. Бу кўрсаткич расмий статистикани тўлдириб, профилактика фаолиятининг ҳақиқий ижтимоий таъсирини аниқлаш имконини беради.

Баҳолашнинг тўртинчи таркибий элементи – мезонлар масаласида юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, уларни уч гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳни миқдорий мезонлар ташкил этади. Хуқуқбузарликлар динамикаси ва турлари, такрорий хуқуқбузарликлар даражаси, профилактик ҳисоб, мурожаатлар сони ва уларнинг ҳал этилиши, ижро интизоми.

Иккинчи гуруҳга сифат мезонлари киради. Аҳолининг ишонч индекси, хавфсизлик ҳисси, процессуал адолат талабларига риоя этилиши, фаолиятнинг қонунийлиги ва очиқлиги, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга кўрсатилган таъсир.

Учинчи гуруҳни ҳудудий-контекстуал мезонлар ташкил этади. Маҳалланинг криминоген вазияти ва унга бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар, инфратузилмаси, ижтимоий-демографик таркиби, аҳоли зичлиги, миграция (ички ва ташқи) ҳолати ва мавжуд ресурслар.

Айнан учинчи гуруҳ мезонлари турли шароитда хизмат олиб бораётган профилактика инспекторлар натижаларини ўзаро адолатли таққослаш имконини беради. Шу билан бирга, профилактика инспекторларининг хуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини баҳолаш тизимини рақамли индикаторлар ва сунъий интеллектга асосланган рейтинг моделлари билан уйғунлаштириш зарур.

Бироқ бундай тизим фақат автоматик рақамлаштириш билан чекланмаслиги лозим. Баҳолаш индикаторлари ҳар бир маҳалланинг ижтимоий-демографик таркиби, криминоген вазияти, аҳоли зичлиги, миграция ҳолати, ижтимоий муаммолари ва мавжуд ресурсларидан келиб чиқиб дифференциал тартибда белгиланиши керак. Акс ҳолда турли шароитда ишлаётган профилактика инспекторлари бир хил мезонлар асосида баҳоланиб, баҳолаш натижаларининг адолатлилиги таъминланмаслиги мумкин.

Бизнингча, профилактика инспектори фаолиятини баҳолашда ягона рейтинг билан чекланмасдан, **“миқдорий натижа – сифат таъсири – ҳудудий шароит” тамойилига асосланган уч қатламли баҳолаш модели** жорий этилиши мақсадга мувофиқ. **Биринчи қатламда** хуқуқбузарликлар динамикаси, маъмурий баённомалар,

профилактик ҳисоб, мурожаатлар ва ижро интизоми каби миқдорий кўрсаткичлар. **Иккинчи қатламда** аҳоли ишончи, ҳуқуқий онг, хавфсизлик ҳисси ва профилактик таъсирнинг ижтимоий натижалари. **Учинчи қатламда** эса маҳалланинг криминоген, ижтимоий-демографик ва ресурс имкониятлари инобатга олиниши лозим.

Мазкур уч қатлам юқорида асосланган уч гуруҳ мезонларга мос келиб, баҳолаш тизимининг ички изчиллигини таъминлайди.

Юқоридаги назарий ёндашувлар, хорижий тажриба ва миллий амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш фақат ички идоравий назорат воситаси эмас, балки профилактик чора-тадбирларни тўғри режалаштириш, ресурсларни мақсадли тақсимлаш, ҳудудий муаммоларни аниқлаш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми ҳисобланади.

Шу сабабли бундай баҳолаш бажарилган ишлар сони, ҳуқуқбузарликлар статистикаси ёки ресурслар сарфи билан чекланмасдан, фаолиятнинг қонунийлиги, ижтимоий фойдалилиги, инсон ҳуқуқларига мувофиқлиги, аҳоли ишончига таъсири ҳамда келгуси профилактик қарорлар учун зарур ахборотни шакллантириш имкониятини ҳам қамраб олиши зарур.

Шу асосда “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш” тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ.

“Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар, сарфланган ресурслар, эришилган натижалар ҳамда уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мавжуд хавфларни камайитириш ва ижтимоий-ҳуқуқий муҳитга таъсирини белгиланган мақсадлар, миқдорий ва сифат мезонлари асосида илмий, тизимли ва холис таҳлил қилиш, шунингдек, улар юзасидан асосли хулоса чиқариш ҳамда келгусидаги бошқарув ва профилактик қарорларни қабул қилиш учун зарур ахборотни шакллантириш жараёнидир”.

Тадқиқот доирасида олиб борилган илмий-назарий ва методологик таҳлиллар натижасида баҳолаш объекти ва предметининг ўзаро чегараси белгиланди. Объектнинг умумий ва махсус турларга, баҳоловчи субъектларнинг ички, ташқи ва жамоатчилик субъектларига таснифи асослантирилди. Меъзонларнинг уч гуруҳли тизими таклиф этилди. “Ишонч индекси” ҳамда “Ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолаш” тушунчаларига муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди ва “миқдорий натижа – сифат таъсири – ҳудудий шароит” тамойилига асосланган уч қатламли баҳолаш модели таклиф этилди.

Фикримизча, соҳада ягона ва холис баҳолаш тизимини шакллантириш ҳамда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий таклифларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, муаллифларнинг аввалги мақоласида [3] Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон Қонунининг “Асосий тушунчалар” деб, номланган 3-моддасига “ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти самарадорлиги” тушунчаси таърифини киритиш таклиф этилган эди. Мазкур таклифнинг мантиқий давоми сифатида ушбу моддани юқорида келтирилган “ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фаолияти самарадорлигини

баҳолаш” тушунчасининг муаллифлик таърифни акс эттирувчи хатбоши билан ҳам тўлдириш таклиф этилади. Икки таърифнинг Қонунда ёнма-ён мустақамланиши баҳолаш фаолиятининг предмети ва мазмунини ягона ҳуқуқий асосга эга қилади.

Иккинчидан, ички ишлар органлари, хусусан профилактика инспекторлари фаолиятини баҳолашда фақатгина рақамли индикаторлар ёки автоматик рейтинг тизимлари билан чекланмасдан, мақолада назарий жиҳатдан асослаб берилган уч қатламли баҳолаш моделини Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустақамлаш зарур. Бунда баҳолаш тизимига аҳолининг ишонч индексини киритиш ва ҳар бир маъмурий ҳудуднинг криминоген ҳамда ижтимоий-демографик хусусиятларидан келиб чиқиб дифференциаллашган ёндашувни йўлга қўйиш талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг илмий ва тизимли механизмларини яратиш профилактика инспекторининг жамият олдигаги ҳисобдорлигини оширишга, аҳолининг ички ишлар органларига бўлган ишончини мустақамлашга ҳамда маҳаллаларда барқарор хавфсиз муҳитни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни, 2014 йил 14 май, ЎРҚ-371-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. – 2014. – № 5. – 129-модда. URL: <https://lex.uz/docs/2387357> (Электрон манбаага мурожаат қилинган санаси: 23.05.2026).
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил 20 июлдаги «Профилактика инспекторлари фаолиятини сунъий интеллект орқали назорат қилиш ва рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 410-сон буйруғи.
3. Шелер М. Формализм в этике и материальная этика ценностей. – М.: Гнозис, 1994. – С. 271–279; Гартман Н. Этика. – СПб.: Владимир Даль, 2002. – С. 235–248. URL: https://platona.net/load/knigi_po_filosofii/aksiologija/sheler_m_izbrannye_proizvedeniya_1994/27-1-0-2398 (Электрон манбаага мурожаат қилинган сана: 03.06.2026 й.)
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 5 жилдли / А. Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, <https://izoh.uz/uz> (Электрон манбаага мурожаат қилинган сана 06.07.2026 йил)
5. Алексеев А.И., Герасимов С.И., Сухарев А.Я. Криминологическая профилактика: теория, опыт, проблемы. – М.: НОРМА, 2001. – С. 80–82. https://www.studmed.ru/alekseev-ai-gerasimov-si-suharev-ay-kriminologicheskaaya-profilaktika_5e58e5e1a08.html (Электрон манбаага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.).
6. Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М.: Наука, 1976. – С. 196. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_007259862/ (Электрон манбаага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)
7. Goldstein H. Problem-Oriented Policing. – New York: McGraw-Hill, 1990. – P. 32–48. <https://popcenter.asu.edu/content/about-pop-0> (Электрон манбаага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)

8. Sherman L.W. The Rise of Evidence-Based Policing: Targeting, Testing, and Tracking // Crime and Justice. – 2013. – Vol. 42, № 1. – P. 377–451. <https://www.journals.uchicago.edu/doi/10.1086/670819> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)
9. Moore M.H., Braga A.A. The “Bottom Line” of Policing: What Citizens Should Value (and Measure!) in Police Performance. – Washington, DC: Police Executive Research Forum, 2003. – P. 14–22. <https://www.policeforum.org> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)
10. Hope T. Evidence to PASC: Inquiry into Crime Statistics. The Influence of “Third-Party” Pressures on the Police Recording of Crime. – London: House of Commons, 2014. – P. 2–6. <https://committees.parliament.uk/publications/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)
11. EUCPN. Toolbox Series № 3: Evaluation of Crime Prevention Initiatives / B. Wijckmans, B. O’Duill, R. Vanhauwaert, N. Klima. – Brussels: European Crime Prevention Network Secretariat, 2012. – P. 11–14. URL: <https://eucpn.org/document/toolbox-3-evaluation-of-crime-prevention-initiatives> (Электрон манбага мурожаат қилинган санаси: 01.06.2026).
12. UNODC. Crime Prevention Assessment Tool. Criminal Justice Assessment Toolkit. – New York: United Nations, 2009. – 40 p. URL: <https://www.unodc.org> (Электрон манбага мурожаат қилинган санаси: 01.06.2026).
13. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Яшнобод тумани мисолида. Ҳуқуқий аудит ҳисоботи. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2026. – 148 б.
14. Becker G.S. Crime and Punishment: An Economic Approach // Journal of Political Economy. – 1968. – Vol. 76, № 2. – P. 169–217. <https://www.journals.uchicago.edu/doi/10.1086/259394> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2026 й.)
15. Posner R.A. Economic Analysis of Law. – 9th ed. – New York: Wolters Kluwer, 2014. – 1056 p.
16. Calabresi G. The Costs of Accidents: A Legal and Economic Analysis. – New Haven: Yale University Press, 1970. – 340 p. <https://www.wklegaledu.com/Posner-EconomicAnalysis9> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.)
17. Кудрявцев В.Н., Никитинский В.И., Самощенко И.С., Глазырин В.В. Эффективность правовых норм. – М.: Юридическая литература, 1980. – 280 с. https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_001020898/ (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2026 й.)
18. Долгова А.И. Криминология: Учебник для вузов. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Норма, 2005. – С <https://www.studentlibrary.ru/book/ISBN9785891239586.html> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2026 й.).
19. Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ILM ZIYO, 2005. – Б. 178.
20. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фазилов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2015. – Б. 179–185.
21. Жалинский А.Э. (0000: асарнинг асл русча номи аслиятдан аниқлаштирилсин). – М.: Юридическая литература, 1986. – С. 251.

https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_002990453/ (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 01.06.2026 й.)

22. Миндагулов А.Х.. – Хабаровск: Изд-во ВШМ МВД СССР, 1986. – С. 38.
https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_003133841/(Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 03.06.2026 й.)

23. Атаманчук Г.В. Теория государственного управления: курс лекций. – М.: Юридическая литература, 1997. – С. 444. <https://rusneb.ru/>

1. [/000199_000009_000721867/](https://rusneb.ru/catalog/000199_000009_000721867/) (мурожаат қилинган сана: 03.06.2026 й.).

24. Костицкий М.В. Введение в юридическую психологию: методологические и теоретические проблемы. – Киев: Вища школа, 1990. – С. 142. https://www.studmed.ru/kostickiy-m-v-vvedenie-v-yuridicheskuyu-psihologiyu_8c7c4f6f7f3.html (мурожаат қилинган сана: 03.06.2026 й.)

25. Sunshine J., Tyler T.R. The Role of Procedural Justice and Legitimacy in Shaping Public Support for Policing // Law & Society Review. – 2003. – Vol. 37, № 3. – P. 513–548. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/1540-5893.3703002> (мурожаат қилинган сана: 04.06.2026 й.).

